*ШУКРУЛЛО, Ўзбекистон халқ шоири*

# БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

**1.**

(Боши 1-бетда).

Чўлпонлар 30-йиллардаги халқнинг очлигидан нолиб қамалганми? Жонларини қурбон қилганлармми? Сибирга йиртиқ чопон Ғофуру Йўлчиларгина сургун қилинганмиди?

Шу кунларда кўчада бировни биров туртиб кетса ҳам демократия йўқ, демократияга суиқасд қилиняпти, дегувчилар топилади. Бу ҳам етмиш беш йиллик гунгликдан қутилганимизнинг белгиси. Ўзбекистоннинг ҳам тили чиқа бошлади. Албатта, бир одамнинг ҳам ноҳақ жабрланиши адолатсизлик. Ачинарли. Лекин қанча-қанча ўзбек фарзандлари отилиб кетганда бу нега бундай, деб фикр қилганмизми? Дардимиз ичимизда гунг бўлиб яшаган ўша замонлар ҳозиргидан яхшимиди? Энди бир фикр қилиб, қиёслаб кўрайлик.

Мен қамоқни ҳам, очликни ҳам кўрган одамман... Меҳнат қилиб бир амаллаб қорнимни тўйғизганман. Аммо ўзимни ўтга-чўққа минг урмай, бугунги эркинлик, бугунги мустақилликка етмоғим иложсиз эди. Ҳозиргидек фикр қилишнинг имкони қаёқдайди.

О, у тутқинлик... Рус империясининг зулми... Қанча-қанча бегуноҳ тўкилган қонлар. Етим қолган гўдакларнинг ноласи. Ҳаёт тотини тотолмай, умр бўйи эрининг фироқида куйиб, бева қолган ёш-ёш жувонларимизнинг қилган ноласими, бу кунларга худо бизни етказди.

Мустақилликка эришганимизга бир йил тўлди. Байрам — муқаддас байрам! Мустақиллик! Ахир, инсон эрки, унинг бахти ҳам шу мустақилликда мужассам-ку! Мустақиллик учун бўлган қонли курашлар бу яқин йилларда — 1917 ёки 37-йилларда бошланган орзу эмас. Бу кунларга етгунча озмунча қонли йўллар босиб ўтилдими?

Куни кеча 1865 йилда генерал Черняев бошлиқ рус аскарларининг Тошкентни босиб олишига қарши курашда қатнашган юксак мартабали бир неча тошкентлик сиймолар қатори узоқ Томскийга сургун қилиниб, ўша ерда вафот этган Мулла Солиҳбек охун додхоҳнинг 180 йиллик хотираси нишонланди. Айрим асарларда кўрсатилганидек, Сибирга сургун қилинганлар йиртиқ чопон Ғофуру фақат Йўлчилар эмас, балки, Солиҳбой додхоҳдек эл ичида эътиборли, ўта мулла, молу мулкидан кечиб, истиқлол учун курашган бадавлат одамлар ҳам бўлганлар.

Истиқлол учун кураш тўхтаган вақт бўлган эмас! Рус империясининг босқинчилик зулми ортиб борган сари мустақиллик учун кураш ҳам авж ола берган. Бегуноҳ қонлар тўкила берган.

Мен шу ўринда ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ва ҳеч қандай ҳужжатларда қайд этилмаган, фақат ўзимга аён бўлган ўз ички дунёимни, бугунги мустақиллик учун авлодларимиз қандай курашганларининг исботи сифатида айрим далилларни газетхонларга ошкор қилмоқчиман.

Менинг Лев Толстойдек буюк ёзувчига хат ёзиб, хат олган Убайдуллахон деган (давлат ҳужжатларида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев дейилади) холаваччам бўлган. Бу буюк зот миллатга манфаатдор нима иш бўлса ҳаммасини қилган. 1914 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарини саҳналаштирган. «Садоий Туркистон» газетасини ташкил қилиб, ўзи муҳаррир бўлган. 1917 йилда Қўқон мухториятида вазир бўлган. Совет ҳукумати даврида эса бир йил, ярим йили озодликда ўтган бўлса, қолган бутун умри қамоқда ўтган. 1937 йилда қамоқ муддатини битириб келиб орадан бир йил ўтмай, 1938 йилда яна қамалди. Бир йилгина озодликда бўлган даврида ҳам тинч туролмай, ўша даврларда кўпчилик ўзбек ёзувчиларига яхши таниш бўлмаган америқолик ёзувчи Киплингнинг «Маугли» асарини ўзбек тилига таржима этиш билан шуғулланади. 1900 йилларда Саратовдаги Адлия институтини битириб, адвокат бўлган одам нега Шекспирни эмас ёки Толстойнимас, ҳайвонлар дунёсига алоқадор асарнинг таржимаси билан қизиқади, деган савол туғилади. Бу асарни таржима қилишдан мақсад нима? Нимани назарда тутган эди? Юқорида айтилганидек, Убайдуллахўжа миллат манфаатига алоқадор нимаики иш бўлса, ҳаммасига бош қўшган, ҳаммасига жон куйдирган.

«Маугли» асарини таржима қилганда ҳам у фақат шу мақсадни кўзда тутган. Сиртдан қараганда, бу асар инсонлар тақдирига ҳеч қандай алоқасиз, фақат ҳайвонлар ҳаёти ҳақида ёзгандек туюлади. Аммо ҳайвонлар орасида эса, қатъий бир интизом, қатъий қонун, унга бўйсуниш бор эди. Гарчанд, у ерда кучсизлар кучлиларга итоат этса-да, аммо эркинлик ҳам, адолат ҳам бор эди. Маугли вояга етгандан кейин унинг ўз авлодига қайтишига монелик бўлмайди, ўз эркига қўйиб юборилади.

Убайдуллахўжа бундан бир қонуншунос, адвокат сифатида ўзига хулоса чиқариб, ҳайвонлар оламида шунчалик қонунга бўйсуниш, эркинлик бор-у, совет ҳукуматида нега шунчалик ҳам қонунга амал қилиш йўқ; Маугли ўз жинсига, ўз эркига қўйиб юборилди, нега совет ҳукумати, ўз қўл остидаги жумҳуриятларни ўз ҳолига қўймайди, Ўзбекистон бундай эркинликка қачон чиқади, қани қонунга амал, қани адолат? — демоқчи бўлади. Убайдуллахўжа бу асар таржимасига қўл ураркан, менинг тутқун халқим, шу ҳайвонлар ҳаёти сизларга ибрат бўлмайдими, деган хулосани ҳам кишилар онгига сингдиришни ният қилганди.

Шу улуғ зотларнинг ҳаёти бизларга ибрат бўлмайдими? Бир фикр қилиб кўрайлик.

Убайдуллахўжа тоифа одамлар нима иш қилмасин, нимани ўрганмасин, рус ҳокимлигига қарамликдан қутилиш, фақат мустақилликка эришишни мақсад қилиб қўйганлар. Мустақилликка етишганимизда қани энди улар? Улар қамоқларда йўқ бўлиб кетдилар. Ҳа, улар Амир Темур, Бобурдек буюк, билимдон авлоднинг меросхўрлари бўла туриб кимларгадир қарам, оёқ-қўлларида кишан билан дунёдан бехабар, ўз буюк маданиятлари моддий ва иқтисодий ривожланишлардан маҳрум ҳолда яшашни ўзларига ор, ўлимдан қаттиқ ҳақорат деб билганлар. Улар мустақилликни ривожланиш, маданият, бутун бойликларнинг асоси деб билганлар.

Убайдуллахон 1908 йилда, Саратовда ўқиб юрган пайтларидами, ёки ўқишни тугатиб Тошкентга қайтиб келганидан кейинми, аниқ билмадим, Лев Толстойнинг «Ёмонликка ёмонлик қилмаслик» ғоясига қарши чи-

**2.**

қиб, унга мактуб ёзади. Ҳа, бу шунчаки ёзилган хат эмасди. Бунда ҳам ўз миллати тақдири, миллат манфаатини назарда тутган эди. У ўзича унча-мунча кишининг ҳаёлига келмайдиган, яъни чор Русияси Туркистон халқларига зулм қилаберсин, уларни талаб, эзаверсин, сизлар эса, қаршилик кўрсатманглар, индаманглар, мустақиллик талаб қилманглар, демоқчимисиз! деган хулоса чиқарганди. У бу мактубни ёзганда 24—25 ёшли навқирон йигит эди. Лев Толстой эса, бу вақтда 80 ёшга тўлган мўйсафид, 90 жилдлик асарини ёзиб машҳур бўлган, дунёнинг тўрт тарафидан хатлар ёғилиб, ҳаммасини ўқиш ва уларга жавоб қилишга ҳам етарли фурсати йўқ бўлишига қарамай, туркистонлик ёш йигитнинг хатига вақт топиб, жавоб ёзишни ўзига муносиб кўради. Чунки, Убайдуллахон Толстойнинг дунёқараши, унинг ҳаёт йўналишига алоқадор бўлган жуда муҳим масалани кўтарганди.

Убайдуллахон акамнинг боласи бўлмаган, умри қамоқда ўтган. Миллат, мустақиллик учун курашиб ўлиб кетган. Бундайлар учун ўз ватанини мустақил кўришдан муқаддасроқ нарса бўлмаган. Бу йўлда ҳамма нарсадан воз кечган.

Мана, мустақиллик учун жон куйдириш! Мана миллатни севиш!

### МИЛЛАТ ИШҚИ

Халқимизнинг мустақиллигини ўйлаган битта Убайдуллахонмиди? 1865 йилда Солиҳбек додхоҳ нега Мурманскка сургун қилинди? Мустақиллик учун Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, минглаб зиёлилар миллатчиликда, советларга қарши ҳаракатларда айбланганда-чи? Мақсад мустақиллик бўлмаганми? 1950 йилда Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Шуҳратларни қамаганда, уларни мустақиллик учун, Ўзбекистонни ажратмоқчи бўлганлар—пантуркистонлар деб айбламаганми?

**Кўнгул, сен мунчалар, нега**
**Кишанлар бирла дўстлашдинг?**
**На фарёдинг, на додинг бор?**
**Нечун сен, мунча сустлашдинг?**
**Ҳақорат дилни оғритмас**
**Тубанлик мангу кетмасму?**
**Кишанлар парчаланмасму?**

**Қиличлар энди синмасму.**

**Тириксан, ўлмагансан,**

**Сен-да одам, сен-да инсонсан!**

**Кишан кийма, бўйин эгма,**

**Ки сен ҳам ҳур туғилгансан!**

1922 йилда ёзилган Чўлпоннинг бу шеъри фақат Чўлпоннинг эмас, мустақиллик учун жонини қурбон қилганларнинг, ўзбек халқининг қалб ифодаси эди. Халқимиз бу орзусига етди. Аммо, мустақилликка эришганимизда, бу кунлар учун курашганлар қани?

Мустақиллик байрами олдидан қалбимда бир ҳасрат ва бу кунларга етганимдан бир қувонч билан уларни эслар эканман, авлодларимиз асрий орзу қилган, у жон бериб етолмаган, аммо худойи таоло икки қўллаб бизларга насиб этган тайёр бу мустақилликка нима хизмат қилдик, деган савол ҳаёлимдан ўтади. Уни ғараз ва ҳасад кўзларидан асраш, уни севиб мустаҳкамлаш учун жон куйдириб, қандай ҳисса қўшдик, деган ўй қалбимга беихтиёр тинчлик бермайди.

Ҳа, албатта, мустақилликка етдик, худо ўзи берди, деб тинчийдиган давр эмас. Ҳали тўсиқлар, кутилмаган фитналар!.. Ношукрлар-чи! Аммо бундай аҳвол фақат бизнинг жумҳуриятдами? Қачон яхши бўлган? деган саволга жавоб ўйларканман, кўнглим бирдан таскин топгандек бўлади. Босиб ўтган йўлларимни ҳаёлдан ўтказарканман, дилимда шукроналик ҳисси уйғонади.

Халқимизнинг энг бахтиёр, хотиржам яшаган йиллари қайси даврлар? Қийинчилик йилларини қўяберайлик. Чунки, у қийинчиликларга ўткинчи, яхши кунлар бўлади, деган умид билан қараб, ҳатто уруш йилларида бир буханка нон 250 сўм, ярим кило шиша банкадаги гуруч 160 сўм бўлганда ҳам чидаганмиз. Палов қилиш қаёқда. Тўқроқ одамлар гуруч ўрнида жўхорининг тегирмонда тортилган ёрмасини солиб, ўшанда ҳам тўяр-тўймас ош қила оларди. У вақтлар ҳозиргидан яхшимиди? Бу қимматчилик, унут бўлар деб, ўйлардик.

Ҳатто, 30-йиллардаги уч-тўрт очарчиликка, нон ўрнида кунжара еганларида ҳам, совет давлати ҳали ёш, оёққа туриб олар, деб бир неча йил сабр қилдик. Умид!.. Умид билан яшадик. Чидадик. Аммо алдандик. Халқнинг оғзи энди ошга тегиб, тинчлик замони бўлди, деганимизда 1937 йилги минглаб бегуноҳ одамларни қама-қама бошланди. Бунда қандай умид билан, нима деб чидаш керак эди? Чидамай илож бормиди?

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, дегандек ана энди бир фикр қилиб кўрайлик. У кунларни худо кўрсатмасин! Жиловимиз қўлимизда эмас эди, қул эдик. Мустақиллик муборак бўлсин, ўзбегим!

Бу гапларни кўп эшитганмиз, ҳозир зарурати борми, дейдиганларимиз ҳам йўқ эмас, тўғри. Аммо мен фақат халқимизнинг нақадар чидамли, нақадар сабрбардошли эканини эслатмоқчиман, холос! Ахир, халқимиз фақат очлик, йўқчиликка эмас, қамоқларга ҳам, хўрлик, бўҳтонларга ҳам чидаган эдику.

Очарчилик, адолатсизликлардан халқимиз тортган азоб-уқубатларни ёдга солишдан яна мақсад шуки, мустақиллик қадри-қимматини нархи-наво, ўткинчи қийинчиликлар билан ўлчаб, ношукрлик қиладиганлар йўқми? Баъзан ўзимни ўт билан сув орасида қолгандек ҳис қиламан. Баъзан, бу кунларга етишганимнинг шодлигидан уйқум қочса, аммо мустақилликдек бахтни ҳали ҳам ҳис қилолмаганларни ўйлаб, ажриққа ағанагандек ухлолмай чиқаман.

Совет империясига қарамликдан қутилиб, ўз эркимиз ўзимизга теккани муборак бўлсин, жафокаш халқим!

Совет давлатининг уруш, очарчиликсиз яшаган энг яхши даври қайси йиллари, 1960—1980 йилларимиди?

1966 йили халқимиз бошига кутилмаган офат келди. Тошкентда зилзила бўлди. Яна вайроналик, яна кўч-кўч бошланди. Тўғри, бу табиий офат. Тошкентни қайта қуришга турли шаҳарлардан, айниқса, Москва, Ленинграддан кўплаб ҳашарчилар кела бошлади. Хўш, оқибат нима бўлди? Оқибати шу бўлдики, Тошкент дўстлик, қардошлик шаҳри деган ном олди. Бўлган ўзгариш шу бўлди-ми? Негаки, бир қисм тошкентлик ўзбеклар юз йиллардан бери ота-бобоси яшаб,

**3.**

руслар Тошкентга киргач эски шаҳар деб аталадиган қисмида қандай яшаган бўлса, шундай қолаберди, бир қисми эса, шаҳар чекка-чеккасидаги тўқайзорлар, Қурбақаобод деб аталган ерлардан ажратиб олган жойларга қўлидан келганча иморат солсин, деб жўнатилди. Ўша вақтда бошлаган иморатларини ҳали ҳам қураётганлар бор. Бу энг яхши замонлар. Тошкентнинг янги қурилган кўп қаватли иморатларига эса ҳашарга келганлар ва Тошкентнинг асосан руслар яшайдиган янги шаҳар деб аталадиган қисмида турадиганлар кўчиб киришди. Қарабсизки, шундай қилиб, Тошкент қардошлик шаҳри, дўстлик шаҳри бўлди қўйди. Биз мустақиллик олгунимизча, шундай «саҳийлик» билан яшаб келдик. Нолидикми? Йўқ, дўстлик яшасин, дедик.

Тўғри, 70—80-йиллар ҳозиргидан тўқчилик бўлди. Лекин, 6 миллион тонналаб пахта етказиб, ўзимиз шу йиллари кўрпамизга астарлик тополмаганимиз наҳот эсдан чиққан? 90 фоиз хотинларимиз кам қон, дунёда болалар ўлими энг кўп республика Ўзбекистон, дея дод солганимиз, энг тўқ яшадик деган 80-йилларда эмасмиди? Орзу-ҳаваси у ёқда турсин, кийим-кечакка яраша ҳақ ололмай, қишлоқларда ўзини-ўзи ёққан қизларимизнинг доди қачон эди? Бундан уч-тўрт йил муқаддам пахта далаларининг заҳаридан гўдакларимиз мажруҳ туғилиб, аҳолининг ярмидан кўпи сариқ касали, жигар хасталигига мубтало бўлиб, қанча-қанча ширин жонлар ажалидан беш кун олдин нобуд бўлганларида ҳам нима чора, деб чидамадикми? Нима бўляпти, бизлар ҳам одаммиз-ку, пахтача қадримиз йўқми, касалликдан, заҳарлардан қирилиб кетаберайликми, дейдиган азамат топилдими? Партия, ҳукумат қаёққа қараяпти, истифо берсин, деб айтолдикми? Ўшанда ҳам пахта бахтимиз, пахта миллий ғуруримиз дейишдан ор қилмадик. Нега? Нимадан қўрқдик. Энди-чи!

Нега у ундай эмас, нега бу бундай бўлмаяпти, деб нолиганимизда ўтмишда қандай бўлганини ҳам эсласак инсофдан бўларди.

Тўғри, бир жиҳатдан халқимиз юз йиллар дардини ичига солавериб, қийинчиликлардан сабри-бардоши адо бўлган, сабр косаси тўлган эди. Шу кунларга етиб, ўз эркини ўз қўлига олиб мустақилликка етишганидан, ўз тақдирига ўзи эга бўлганидан хурсанд. Бу кунлар қаёқда эди?! Ташналикдан сабри битган одамнинг оғзига сув текканда, қувончидан шошиб, ҳовлиқиб тўкиб-сочиши, ҳатто тиқилиб қолиш ҳоллари ҳам бўлади. Аммо, мустақиллик бу худойимнинг шундай бир муқаддас, ҳамма осонликча етишиб бўлмайдиган бир марҳаматики, бунинг бир томчисини исроф қилиш гуноҳи азим. Худонинг қаҳрини келтиради. Лекин баъзан бу кунларга етганимизнинг ҳаддан ташқари қувончиданми, ё асрлар бўйи хўрлик, очликларни кўраберив сабр-тоқатимиз тамом бўлганиданми, бир-икки йиллик ҳозирги қийинчиликларга бесабрлик, баъзан билар-билмас ношукрлик қилаётганимиз ҳам ҳақиқат. Бундай вақтларда доно халқимиз «Олма пиш, оғзимга туш деган билан бўлмайди», деб таълим берган.

### «НИМА ҚИЛАСИЗ, АВТОМАШИНАНИ ЁЗИБ, ЎҒИТ ҲАҚИДА ЁЗИНГ...»

Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпурда бўлган кунларимда Истана Негора номли қирол саройидаги тантаналар ҳамда юксак замонавий техника асосида қурилган телефон ва микротелевизорлар ишлаб чиқарадиган «Сапура» фирмасида бўлдим. Деярли хизматчиларнинг ҳаммаси юксак савияли, шу ерли хотин-қизлардан иборат эди. Иш шароити эса ҳавас қиладиган даражада юксак. Лекин менинг ҳаёлимни вақти-вақти билан кўпроқ банд қилган нарса қирол саройи ҳамда фирма номларининг Негора, Сапура деб аталиши бўлди. Булар ҳаммаси ўзимизда бор Нигорахон, Сапурахон деган номларни эслатарди. Маълум бўлишича, булар қироличаларнинг исмлари экан. Бу номларнинг қалбимга қувонч солган яна бир жиҳати шу эдики, бизларни бир-биримиздан ажратган масофа қанчалик олис бўлишига қарамай, динимиздаги яқинлик, номларимиз, тилимиздаги бундай ўхшашликлар, булар ҳаммаси тарихан яқинлик, ҳамма ерда авлодларимиз, ҳамма ерда ҳамдарду суянчиқларимиз борлигидан дарак бериб турарди.

Аёлларга кўрсатилган бунчалик ҳурмат-эътиборни Индонезияда ҳам кўриш мумкин эди.

Булар қувонарли. Аммо кўнгилни ғаш қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас эди. Хотинларга кўрсатилган бунчалик иззат-икром, техника ривожи, шаҳарларнинг киши ҳавас қиладиган даражада гўзаллиги, сени қанчалик қувонтирмасин, аммо Англия, Голландия босқинчилари қолдирган асрий асорат, айниқса, шаҳар чеккаларида ҳамон кўриниб турарди. Мен кўрган қишлоқлар кўзни қувонтирмайдиган даражада қаровсиз ҳолда эди. Ҳатто ачинарли ҳолда эди.

Менинг руҳимдаги бундай ўзгаришни сезган шоиртабиат ҳамроҳим менга: «Индонезия халқи қуллик ботқоғи остида кўмилиб ётган қон эди. Хазина эди. Ҳамма ёқни босиб кетган 300 йиллик ботқоқдан қисқа муддатда қутилиб бўладими?» деганди. Бу гап биз учун ҳам ибратли эди. Бизлар мустақиллик олганимизга қанча бўлди? Қуллик ботқоғи остида бизлар ҳам озмунча ётдикми? Нималардан айрилмадик?

Бундан икки йил муқаддам шундоқ кўриниб турган Афғонистонга бориш учун Москва орқали бир ҳафта йўл юрардик. Энди-чи? Термиздан ярим соатда борамиз. Чунки, энди мустақилмиз! Мустақил бўлдигу, лекин ўзимизнинг ўзбек учувчи йигитларимиз қани? Ҳарбий вазирликка ҳам эга бўлдик. Лекин миллий генерал, офицерларимиз етарлими? Бундан ўн йил илгари профессор куёвим автомобиль ҳақида ўзбек дорилфунуни талабалари учун ўзбек тилида дарслик ёзса, юқорига чақириб, сиз автомобиль ҳақида эмас, пахта, ўғит ҳақида ёзинг, бу ҳақда Москва, ленинградликлар ёзади, деб ман қилган эди. Шундай муносабатда қандай қилиб илмда, техникада ривожланиш мумкин эди. Куёвим ошкораликдан кейин тўртта дарслик чиқарди.

Янги автомобиль заводлари қуряпмиз, мутахассислар-чи? Юзлаб ташқи давлатлар мустақиллигимизни тан олди, алоқалар ўрнатилди. Хўш, дипломатлар, етук иқтисодчи-сиёсатчилар борми? Ўз касбининг усталари, моҳир милиция, ҳуқуқ ходимлари-чи? Булар қачон етишади? Уларсиз бу соҳадаги етишмовчиликларнинг ўрнини тўлатмай, тараққиёт, қийинчиликлардан қутулиш йўли борми?

Ҳозирги қийинчиликлар ҳақида гап кетганда, кўпроқ нарх-наво ҳақидаги гапларни эшитасан-у, аммо маънавий, миллий қашшоқ бўлиб қолганимизни ҳаёлдан қочирамиз. Жамият та-

**4.**

раққиётининг асосий омилларини ўйлашга сабримиз етмайди, шошамиз. Бундай даврлар энди ўтди. Шошма-шошарчилик, «ҳа, бўл»чилик, «давай-давай»чилик, планни бажар... Ҳамма соҳада баракани олган, ҳамма ишимиздаги ярим-ёртиликка олиб келган мана шу бажар-бажар, зўрлаш сиёсати эмасмиди? Қурилишдан тортиб, саноат-у қишлоқ хўжалигимиздаги сифатсизликлар, илмдаги ғўрликларгача совет давлатининг, ҳай баракаллачилик сиёсати натижаси эмасмиди! Совет империясининг ҳукмронлигидан қутилганимизга шукр қиламиз-у, аммо ўзимиз ундаги бундай нуқсонларни шу кунларда ҳам баъзан такрорланаётганлигини биламизми?

Митинглар, бақириқ-чақириқ, ҳайбаракаллачиликлар ҳозирги қийинчиликлардан қутилишнинг тўғри танланган йўли эмас. Ҳозирги энг тўғри йўл мустақилликнинг муқаддас эканини қалб ва ақл билан сезиш. Бунга зид иш тутиш хиёнат эканини англаш.

### ҚУШБЕГИ ҲОЖИНИ ЧАҚИРТИРИБ...

Бизнинг бу кунларимизга ғараз кўзларини тикканлар ҳали озми? Бизнинг пахта, олтин, ширин-шакар меваларимиздан ажралиб қолганлар энди кимни эмишни билмай чинқираётгани йўқми? Ички мухолифларимиздан ташқари учқундан ўт чиқаришни истовчи ташқи хавф-хатар йўқ, дейсизми?

«Аргументи и факти» газетасининг шу йилги 28-сонида босилган хабарда «бизнинг уйимизга қуролланган одамлар бостириб киришди, улардан бири таниш эди, унга сен, кимларни ўлдирмоқчи бўлиб юрибсан, десам, у «ким менга пул бериб, фалончиларни отиб кел деса, унинг кимлигини менга аҳамияти йўқ, отиб кетавераман», деган жавобни қилганини ёзади. Мустақиллигимизнинг ҳам ҳали шундай ўқ отишга тайёр сотқинлари борлигига бепарво қараб бўладими?

«Душманим билан ҳисоблашишга йўл топа оламан, аммо худо дўстимдан асрасин!» деган гаплар ҳаёлимга келаркан, ўзимни истиқлол йўлида қурбон қилган буюк адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Тошкент қушбегиси билан Юсуфбек Ҳожи ораларида бўлиб ўтган суҳбат беихтиёр эсимга тушади.

Кунлардан бир кун Тошкент қушбегиси Юсуфбек Ҳожини чақиртириб, «Ҳожи, Қўқон хони ҳаддидан ошиб кетди, Қўқонга юриш қилиб, таъзирини бериб қўймасак бўлмайди, нима маслаҳат берасиз», — деганда Ҳожи: «битта халқ фарзанди бўлатуриб, бир-биримизга қилич кўтарсак бўлмас», деб унинг фикрига қарши чиқади. Буни эшитган Қушбеги тилда раҳмат айтади-ю, аммо эртасига Қўқонга от солади. Буни эшитиб, ғазабдан тутаққан Юсуфбек Ҳожи алам билан, эй, аттанг, ўз халқига ўзи қилич кўтарган одамдан нима оқибат чиқади, бўлди бу ишларга энди бош қўшмаганим бўлсин, деган афсусини айтади.

Абдулла Қодирийнинг ўз романига бу гапларни киритиши албатта, бежиз бўлмаган. Бу гаплар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳали ҳозир ҳам, айниқса, бугунги кунда демократия баҳона ҳамма ўзича иш тутмоқчи бўлган бир пайтда, бу жуда ибратли. Жуда муҳим. Ҳаммамизга ибрат бўлмоғи керак.

Яқинда олий ўқув юртларида бўлган учрашувлардан бирида қулоғимга чалинган хунукроқ гап-сўзларга аниқлик киритиш мақсадида залда ўтирганларга савол ташлаб кўрдим.

— Пушкинни биласизларми, кимнинг шоири?

— Рус ёзувчиси.

— Навоийчи?

— Улуғ ўзбек шоири.

— Қаерда туғилган?

— Ҳиротда!

Ундай бўлса афғон шоири бўлмайдими?

— Йўқ. Ҳиротда туғилган бўлса ҳам миллати ўзбек-ку.

— Бобур-чи, у ким?

Биров буюк шоир, биров буюк саркарда, деб жавоб берди.

— У билан фахрланасизларми?
— Албатта.
— Қаерлик?
— Андижонлик.
— Демак, у ўзбек шоири эмас, андижонлилар шоири.

Залда баробарига йўқ, қаерлик бўлишидан қатъий назар, у ўзбек шоири, ҳаммамизнинг фахримиз, деган овозлар эшитилди. Ва, менинг бу саволларимдан мақсадимни англаган зал тўла талабалар қувонч билан чапак чалиб юбордилар.

Миллат орасига ола солиш, жоҳиллик уруғини сочиш, булар ҳаммаси буюк ўзбек халқини парчалаб ташлаш ниятида ғанимларнинг ғаразгўйлигидан бошқа нарса эмас. Бўлиниш, ноаҳиллик бу фақат айрим шахслар, бир гуруҳ одамларнинг шахсий шуҳрати учун қилинган тубанлик.

Элдан қут-баракани кўтариб, давлатни путурдан кетказадиган даҳшатли офатлардан бири ҳам — ноаҳиллик!

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов суҳбатларидан бирида:

— Ўзбек халқи тупроқ эмас, олтиннинг устида ўтирибди, бизда ҳамма бойлик етарли, аҳиллик бўлса, биздан бахтли халқ йўқ, — деган эди.

Ўз юртингда ўзинг хўжа бўлганинг, ўзингга бек, ўзингга шоҳ бўлганинг муборак, азиз халқим!

Ҳақиқий инсонлар бахтиёр онларида энг яқин дўстлари, энг яқин кишиларини эслайди. Қувончларини баҳам кўргиси келади. Мана, кеча республикамизда бўлиб ўтган муқаддас байрам — Мустақиллик тантаналари, қувончли онлари мен ўзимнинг ҳамкасб дўстларимни кўнглимдан ўтказдим. Мен мустақиллик берган бахтдан қанчалик қувонмай, аммо жон қўшнимиз Тожикистонда бўлаётган фожеалар, Гуржистондаги ўзаро қирғинлар мустақиллигимиз ҳақида жиддий фикрлашга ундарди. Доно халқимизнинг бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган ҳимматини эслаб, истиқлолимизнинг бир йиллигини ҳар бир хонадонда, қишлоқ ва шаҳарларда шоду-хуррамлик, карнай-сурнай билан нишонлаганини кўриб, ҳам фикр қилардим, ҳам Тангрига минг-минг шукроналар айтардим.

Юртимизнинг бундай тинчлиги ва бу улуғ айёмга ўзининг ақли ва фидоийлиги билан унутилмас ҳисса қўшган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ҳаққига миннатдорчилик билан халқимиз дуо қиларкан, иншоолло, ижобат бўлур.

**(Муаллиф қалам ҳақини «Халқ сўзи» обуна фондига ўтказишни илтимос қилди).**

---

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ ВАТАНДОШЛАРГА, ПАРТИЯЛАР, ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА

# МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар! Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигини энг табаррук байрам сифатида нишонладик — истиқлолимиз қадрини чуқурроқ англамоқдамиз, Ватан олдидаги муқаддас вазифа — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш заруратини ҳис этмоқдамиз.

Қурултой делегатлари Сиз ватандошларни, партиялар, ҳаракат ва жамоат ташкилотларини Ўзбекистон мустақиллиги Куни билан муборак этадилар.

Ҳурматли ҳамюртлар! Ҳаммамиз ҳам жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашини, бой-бадавлат бўлишини, жаҳоннинг обрўли мамлакатига айланишини, инсон қадр-қимматининг муносиб баҳоланишини, тинч-тотувликни, биродарликни истаймиз. Ана шу муштарак мақсадлар йўлида Сизларни бир ёқадан бош чиқариб, Ватан тараққиёти учун бирлашишга чорлаймиз.

«Ватан тараққиёти» партияси Ўзбекистон келажагини амалий фаолият билан таъминлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб олди. Партия ўз сафларига ана шу мақсадни амалга оширишга қодир амалиётчи профессионаллар — ишбилармонлар, зиёлилар, жами Ватанга содиқ инсонларни бирлаштирган. Биз партиямиз ниятларига хайрихоҳ бўлган кишилар, ўзга партиялилар, халқ ҳаракатлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлашга тайёрмиз. Биз шиорбозлик, митингбозлик, тартиббузарлик билан эмас, ақл-заковат, аниқ-равшан дастур билан иш юритамиз. Тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик сиёсатига амал қиламиз.

Азиз ватандошлар! «Ватандин ортиқ ёр йўқ», деб бежиз айтмаганлар. Ватанни севувчи, уни эъзозловчи, юртимизнинг ҳар бир фарзанди Ўзбекистон тараққиёти учун амалий иш қиладиган давр келди. Агар биз бирлашсак, мавжуд иқтисодий ва маънавий тангликдан тезроқ чиқамиз ва улуғ Ўзбекистонимизнинг чинакам мустақиллигига эришамиз.

Мустақиллик айёмингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар! Ёрқин келажак сари яхши ният билан майдонга чиққан Ватан фарзандларига омад ёр бўлсин.

**«ВАТАН ТАРАҚҚИЕТИ» ПАРТИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ.»**

